

МЕХНАТ, КУРАШ, ҲОСИЛ БАҲОРИ

ҲАММА ЕРДА ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК



ЛЕНИНЧА МЕХНАТ БАХТАСИДА

УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ
СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

12 АПРЕЛЬ—БИРИНЧИ КОММУНИСТИК
ШАНБАЛИКНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

ЧИРЧИКЛИКЛАР ШАНБАЛИККА

Буюк починнинг 50 йиллиги кунини оммавий ҳаракатига Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг коллективлари ҳам бажонидил қўшилди. Улар шу кунини қилинадиган ишлар режасини тузиб қўйишди.

Шаҳарда биринчилар қатори бу вазифаларнинг ҳаракатига қўшилган электрохимия комбинати коллективини зиммасига юксак мажбуриятлар олди. 12 апрелда ишдан бўш бўлган барча кимёгарлар ўз корхоналарига келишди. Комбинат территориясини тозалашди, металл омни йиғишди. Янги дархат кўчатлари, гуллар, буталар ўтказилди. Шу кунини қўшимча аниқгина миқдорда минерал ўғит ишлаб чиқаришди. Бунинг натижасида олдингаси фойда беш йиллик жамғармасига берилади.

Шаҳардаги «Чирчиқсельмаш» трансформатор заводлари, бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати, қатор қурилиш бошқармаларининг коллективлари ҳам шанбалик ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидagi Тошкент наслчиллик совхозининг деҳқонлари бу йил бедадан юқори ҳосил етиштиришга қатъий аҳд қилганлар. Ҳозир беда майдонларига ишлов бериш қизгин бошлаб юборилган. Экин ерлари бир томондан борова қилинаётган бўлса, бир томондан хашрақотларга қарши заҳарли химикатлар сепилляпти. Суратда: беда майдонига заҳарли химикат сепилляпти.

А. Абалли фотоси.



БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 68 (4059).

Шанба, 5 апрель 1969 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ДОН ЭКИШ ҚИЗҒИН

Юқори Чирчиқ районининг меҳнаткашлари беш йилликнинг туртинчи йилида ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олганлар. Улар давлатга 20 минг тонна пахта, 21,5 минг тонна дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш учун курашмоқдалар.

Ахдида вафодор деҳқонлар шу

кунларда дала ишларини явада жалдлаштириб юбордилар. Меҳнат идгор агротехника фани ютуқларига амал қилган ҳолда ташкил этилмоқда. Район хўжаликлари баҳорги дон экинни кучайтириб юбордилар. Улар 6250 гектар ерда дон экишмоқда. Ишчи кучлари ва техникадан моҳирлик билан фой-

далланиётганлиги туфайли дастлабки кунлари 700—800 гектар ерда барак ва уруғи ташланаётган эди. Кейинги кунларда иш яна ҳам жалдлашди. Сурьатга-сурьат қилди. Эндиликда кунига 1200 гектардан ошди дон экишмоқда. Экинча айниқса «Тулкитон», «Коммуна» қолқонларининг галлакорлар пещкадалик қилишмоқда. Улар баҳорги дон экинни қисқа муддатда тамомлаш учун курашляптилар.

Район хўжаликларида беда экин, маккажўхори экинларнинг майдонларини тайёрлаш ҳам қизгин тус олди.

Галлакорлар билан бир қаторда пахтакорлар ҳам ленинча меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Экин агрегатлари мавсумга тахт қилиб қўйилди. Етарли миқдорда уруғлик чигит келтирилди. Ариқ-зувурларни тозалаш, ерларни текислаш, маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ҳам жалдлик билан олиб боришмоқда. Кундан-кунга далада ишлаётганлар сон кўпаймоқда.

Мамлакат бўйлаб сафарга

РАБОТ, 3 апрель. (ТАСС). Бу ерда расий виэнт билан меҳмон бўлиб тўтган СССР Олий Совети Президиумининг раси Н. В. Подгорний ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишилар бугун мамлакат бўйлаб сафарга чиқдилар.

Н. В. Подгорний «Риод» кароллик саройида карол Хасан II билан учрашди.

Шундан сўнг СССР Олий Совети Президиумининг раси Мароканинг энг йирик саноат шаҳри ва денгиз порти бўлган Касабланкага йўл олди.

ЭКИН МАЙДОНИ КЕНГАЯДИ, ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

Оқдўғон районидagi «Коммунизм» совхозининг директори ўртоқ С. ЗОКИРОВ билан суҳбат

Илгир бўлиш керакки, ўтган йили ишда бирмунча камчиликларга йўл қўйди. Бу йил ана шундай камчиликларни йўқотишга ҳозирдан бошлаб киришдик. Ҳар бир экин агрегатига ишнинг қизини билдирган, ташкилотчи коммунистларни биринчи қўйди. Улар экиндан бошлаб то унинг тамомлагувча ўша карталарда бўладилар. Агрегатларнинг тўла қувват билан ишларини таъминлайдилар.

Партия ташкилотчи ва совхоз дирекцияси чигит экин илгорида ҳам зарур чораларни кўрди. Кўчатларнинг тўлиқ униб чиқишини таъминлаган-тракторчи, селлачи ва уларнинг экинча аъзоларига мукофотлар берилади. Бу йил баҳор кечикапти. Шунинг ҳисобига олиб, биз эртакишар уруғ навлари экинча ҳаракат қилишимиз. Тупроқнинг етилишини ҳисобга олган ҳолда, 600 гектар майдонга «108-Ф», 600 гектарга эса «47-27-С» навли чигит экилади. «47-27-С» навли чигит уруғини бу йил биринчи марта экишимиз. Бу нав бошқа навларга қараганда касалликларга анчагина чидамли, беш-ун кун эрта етилади. Ана шундай қилиш билан биз ҳосилни эрта етиштириб, уни барвақт йиғиштириб топиришга аҳд қилганмиз.

Биз бу йил 2280 тонна, «оқ олтин» топиришга, ўтган йилга нисбатан ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 6 центнерданга кўпайтиришга аҳд қилдик. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Етарли техникага эгамиз. Давлатдан етарли миқдорда минерал ўғитлар олиб туришимиз.

Ҳали бизда фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалик оборотида киритилмаган ташладик, зах, шўрқок ерлар кўп. Ана шулардан бу йилнинг ўзига 200 гектарини ўзлаштириб экин экишимиз. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларини кўпайтиришдаги муҳим тадбирлардан биридир.

Ҳозир қайси бўлимга борманг, дала ишларининг авж олаётганлигини кўрасиз. Деҳқонларимиз ер текислашпти. Ариқ тозаб, уватларни тартибга келтириб қўйишмоқда. Ҳар бир деҳқон ўзи ишлайдиган майдонларда кўчатларнинг текис униб ва кўп ҳосил тўлашга ҳақида қайтармоқда. Масъумини, тупроқ навли текис бўлса, яхши ўтатилади, бундай майдонларда кўчатлар бакуват униб чиқади. Шунинг ҳисобига олиб, ишчиларимиз экиндан олдин ҳар гектар ерда 200 килограмдан суперфосфат, 150 килограмдан азот, 50 килограмдан калий солиш

режаларини тузиб чиқдилар. Бу ўғитлар карталарининг кўндалангига сепилди. Селлакоримиз эса картанинг узунсига юриб, чигит экиди. Бу уруғнинг ердан тез иш урушини таъминлайди.

Ўртоқ Абдулгани Имомов бошқарувчи бўлган 3-бўлим 350 гектар пахта майдонидан 19 ўрнига 25 центнердан ҳосил етиштириш учун курашляпти. Бу ерда иш олдингаси мажбурий муваффақиятга бажаришга қаратилган ҳолда ташкил этилган. Экин агрегатлари тўла ремонтдан чиқаришган. Ариқ-зувурларини 1,5-2 ҳафта ичда тозаб қилиш учун қизгин кураш келляпти. Бу ишда кунига 130-140 ишчи меҳнат қилляпти. Ишни тезлаштирадиган пайт келди. Бўлим ишчилари бунинг ҳисобига олиб, илгирги таъминотларни ишларига қўйишга нисбатан уч баробар кўп ишчи кучи ажратилди. Бу таъаббус совхоз мазмурияти томонидан қўллаб-қувватланди. Прогрессив усуллари ишга солиняпти. 70 гектар майдонга эга бўлган янги экин тозаб қилинди. Ўртоқ Фахриддинов раҳбарлик қилаётган бу экин аъзолари чигитини 90 сантиметр кенликда, кенг қаторлаб экиб, деҳқончилик қиладилар. Улар ҳар бир гектар ерда 105-110 минг туп кўчат бўлишга эришяпти.

Совхозда ўзга зараркундаларига қарши кураш, ўсимликларнинг илдин чириш касаллигининг олдини олишга ҳам ҳозирдан эътибор бериляпти. Авваллари ана шундай касалликлар билан зарарланган пахта майдонларига эндиликда кани

ноп экилади. Каноп, шолни экинган ерларга эса пахта экилади. Бизда ҳозир ҳамма иш муСОБАКА асосида ташкил этилляпти. Голлибларга мукофотлар бериш тадбирлари қўрилди. Илгир бўлимлар пул мукофоти оладилар.

Шу кунларда совхозимизнинг мутахассислари ҳам муҳим ишлар билан банд. Улар ремонтдан чиқаришга техникани акт билан қабул қилиб оляптилар. Шоша-шошарликка йўл қўйиб сифатсиз ремонтдан чиқаришга тракторларнинг камчиликларини аниқлаб, уларни тезда тузатиш чоралари кўриляпти. Совхозимизнинг ҳамма бўлимларида тупроқнинг етилишин билан ёппасига уруғ ташлаш юзасидан графиклар тузиб чиқилди. Экинини 10-12 кун ичда тамомлашга эътибор берилиши.

Коллективимиз пахтачиликни ривожлантириш билан бирга бошқа техника экинларидан, айниқса каноп пояси, уруғлик канопдан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб қилиб, бу йил 1700 гектар ерда каноп, 1300 гектар ерда уруғлик каноп экишимиз. Бу майдонлардан 22 минг тонна каноп пояси, 370 тонна каноп уруғи етказиб беришимиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг галлачилигини ривожлантириш ҳақидаги қарорини илгиллик билан бажаришга бу йил ҳам муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Ўтган йил ҳар гектар ердан 30 центнердан шолни етиштириб берган эдик. Бу йил шолни майдонларини кўпайтириш билан бирга, ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олиш ва давлатга қамда 645 тонна шолни топиришга сўз бердик. Бу мажбурият ҳам албатта бажарилади.

ҚАРДОШ ХАЛҚҚА ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Венгрия раҳбарлари — Янош Кадар, Пал Лощини, Ене Фокка телеграммалар билан ва қардош Венгрия халқига мияллий байрам — Венгриянинг фашистлар зулмидан озод бўлишга 24 йил тўлишини муСОБАКА билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоди халқлари номидан қизгин қутловлар ва энг яхши естаклар билдиридилар.

«Венгрия меҳнаткашлари, — де йилдади телеграммада, — Венгрия

Социалистик Ишчи партияси раҳбарлигида ўз ватанини тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичда саноати юксак даражада ривожланган, замонавий қишлоқ хўжалигига ва илгир маданиятга эга бўлган мамлакатга айлантирилди. Венгрия Халқ Республикасининг социалистик тузум имкониятлари ва афзалликларини намоий қилиб кўрсатувчи ана шу буюк муваффақиятлари билан Венгрия халқи қатори совет халқи ҳам фахрланади». (ТАСС).

ГҶШТНИ КЎПРОҚ ЕТИШТИРАЙЛИК

Меҳнаткашлар дастурхонига кўйлаб гўшт етказиб бериш чораворларимизнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Партия ва ҳукуматимиз бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан бир қаторда гўшт етиштиришнинг кўпайтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бўрдоқчилик ишларини намунали йўлга қўйётган бир қанча илгир хўжаликлар гўшт етиштиришнинг янги сайини кўпайтиришга муваффақ бўлмоқдалар. Улар беш йиллик туртинчи йилнинг дастлабки кварталидики ярим йиллик ва йиллик гўшт сотиш планларини бажариб қўйдилар.

Областимиз чорвадорлари давлатга гўшт сотиш квартал плани-

ни ошириб бажардилар. Оржоникидзе, Оқдўғон, Калинин, Бўстонлик районларининг чорвадорлари бу соҳада энг яхши натижаларга эришди. Лекин шунинг алоҳида ундириб ўтиш керакки, гарчи областимизда гўшт сотиш наватал планни бажарилган бўлса ҳам, ҳали элнинг гўштга бўлган катта эҳтиёжлари тўла қондирилмапти, бу маҳсулотни етиштириш илгариги йиллардагига нисбатан кўпайтирилмапти.

Областимиз бўйича 1 кварталда давлатга 5903,7 тонна гўшт сотилди. Бу — ўтган йилнинг шу муддатигача сотилган гўшдан 592 тонна кам демандир. Тўғри, айрим районларда гўшт етиштириш бўлтургидан бирмунча кўпайтирил-

ган. Бунга Оқдўғон ва Бўстонлик районларини мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин, бошқа районларнинг ҳаммасида бўлтургидан кам миқдорда гўшт етиштирилмоқда.

Биринчи кварталда Ўрта Чирчиқ райони бўлтургига нисбатан 508 тонна, Янгийўла райони 162 тонна, Бўна райони 64 тонна, Юқори Чирчиқ райони 17 тонна кам гўшт топириди. Бунга асосий сабаб шундаки, мазкур районларда чорва молларининг туёқ сонини кўпайтиришга, бўрдоқчилик базасини ишбилармон кадрлар билан мустаҳкамлаш, мўла-қўла ем-хашак билан таъминлаш, гўшт етиштириш ишларини илгорила таъмирбаси асосида ташкил этиш-

га жиддий аҳамият берилмапти. Бундай камчилик областимизнинг бошқа районларида ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам ноҳол совхозларда бўрдоқига боқилган моллар ҳисобига гўшт топириш камайиб кетмоқда. Шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида областимиз бўйича бўрдоқига боқилган моллар ҳисобига пландаги 595 тонна ўрнига 565 тонна гўшт сотилиб, топириш 95 процент бажарилиб қолди. Ваҳоланки, ўтган йилги бўрдоқлар ҳисобига пландаги 683 тонна ўрнига 862 тоннадан ортироқ гўшт сотилиб, бу соҳадаги гўшт топириш 126,3 процент адо этилган эди.

Ўрта Чирчиқ районидagi совхозларнинг раҳбарлари чорвачиликни ривожлантириш, жумладан гўшт етиштиришнинг кўпайтириш масаласига жиддий эътибор беришляпти. Бунинг оқибатида район чорвадорлари давлатга гўшт топириш планлари бажаришга қўлаётди. Масалан, биринчи кварталда давлатга пландагидан 830 центнер кам гўшт топирилди.

Район, партия, совет ва хўжалик органдари, мутахассислар, ноҳол-совхозларнинг раҳбарлари гўшт етиштиришнинг кўпайтириш юзасидан зарур тадбирлар кўришляпти. Чорвадорлар ўртасида социалистик муСОБАКА намунали йўлга қўйишлари, илгир зоотехник фани ютуқларини ҳамма пешна-дам чорвадорлар таъмирбасини иш-лаб чиқаришга кенг мойрий этиш-лари зарур. Формишлик чорвадорларнинг қимматли ташаббуси ҳам-



СИЁСИЙ АХБОРОТ-ЧИЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент область партия комитети сиёсий ахборотчилар семиналари раҳбарлари, — доимий семинарнинг навбатдаги мажлисулоғини ўтказди.

Семинарда иқтисод фанлари доктари К. Н. Лапин «КПСС Марказий Комитети оқибати» (1968 йил) Плениум қарорлари асосида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги экономикасининг ривожлантиришнинг муҳим проблемалари, иқтисод фанлари кандидати Ф. Г. Муқимов «Тошкент областида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш», иқтисод фанлари кандидати Г. Н. Снопцов «Йилки системалари жиҳон хўжалигининг иқтисодий муСОБАКА» мавзуларида лекция қўйди.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Ш. Н. Тошпулатовнинг лекцияси меҳнаткашларни коммунистлик руҳда тарбиялаш ҳақидаги темага бағишланди.

Семинарда область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова иштирок этди.

ГЕОЛОГЛАР—ЖАСУР КИШИЛАР

ХАЗИНА ИЗЛАБ

Эртага бешош мамлакатимиз бўйлаб яна бир байрам тағайинланди. Барча меҳнатчилар хазинадонлар билан биргаликда Геологлар кунини нишонлайдилар.

Бу байрам ер қаърида асрлар давомида ястаниб ётган бойликларни қидириб топиш ва халқ хўжалиги ахтирлари учун хизмат қилдириш йўлида тийма курашаётган геологларнинг меҳнатига берилган катта баҳо.

Геолог деганда кўз олдимизда тоғ ва чулларда, дашту-небонларда бутун йил бўлиб табиат инжиқликларига бардош бериб, эл-юрт бойлигига бойлик қўйиш ишларида юрган кишилар кўз олдимизда намойи бўлади. Бу касбнинг ўзига яраша таъти, маъзулиги ва маънавияти бор. У ҳар бир кишидан иродали, забардаст билкили, ўқиб-ёзиб эгаси бўлишни, сингилликни талаб этади. Минглаб шу касбни эгаллаган ғайрати жўш урувчи кишилар афсоналарини ҳақиқатга айлантирмоқдалар. Ҳозирги замон фан-техникаси ютуқлари билан мураккаб геологлар янги конларни қидириб топиш ишларини йилдан йилга кенгайтиришда. Бу билан халқ хўжалигининг турли хил хом-ашёларга бўлган аҳтиёжини тўла қидиришга ердан бермоқдалар.

Шунинг қувончилиги, республикамиз, жумладан Тошкент облас-

ти геологлари ҳам турли-туман қазилма бойликларни қидириб топиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, сўнгги йилларда геологлар қидирув ишлари миқдори кенгайди. Бу конлар ёнида йил-йилик замонавий шахарлар қад кўтарди. Олмалик ва Ангрен, Навоий ва Газли, Зарафшон ва Ўстюрт ва бошқалар шулар жумласидандир. Ана шу ерларда қазиб чиқарилаётган олтин ва рангли металллар, газ ва нефть, кўмир ва бинокорлик материаллари мамлакатимиз экономикасининг юксалиши учун хизмат қилмоқда.

Ўзбек геологларининг олтин запасларини қидириб топишда эришган ютуқлари маънавияти сазовордир. Республикада жамон миқёсда эришган геологлар қатори шундай конлар топилади. Мурунот ўзининг олтин запаслари жиҳатидан беқиёс ҳисобланади. Кўчбулоқ олтин кони тобора кенгаймоқда. Бу ердаги олтин запаслари миқдори ортиб бораётти.

Эндиларда республикамиз геолог ташкилотлари жуда қудратли

бўлиб қолди. Бундан 30 йил илгари Ўзбекистонда қирқтага етармас геологлар қидирув партиялари ва кичик-кичик отрядларига бор эди. Табиийки улар Ўзбекистонда мавжуд бўлган қазилма бойликларини қидириб топишга оқибат қилишарди. Улар Ватан урушидан кейинги йилларда геологлар қидирув ишлари миқдори кенгайди.

Ҳозир 560 дан ортиқ геолог партиялари ва отрядлар мавжуд. Улар республикамизнинг барча областларида қидирув ишларини олиб бормоқдалар. 25 мингдан ортиқ мутахассис кадрларини ўзига бичиштирган геологлар коллективлари ишларида замонавий техника воситалари топилиб қўйилган. Минглаб пармалаш станциялари, бурги агрегатлари ер қаърининг жуда чуқур жойларида ётган бойликларини аниқлаш имконини бермоқда. Жуда кўп бошқа асбоб-ускуналар геологларимизнинг енгиллаштирмоқда, янги-янги конларни қидириб топиш ва ишга солишда жуда қўл келаяпти.

Геология соҳасида етук мутахассислар кўпайиб етишиб чiqмоқда. Академиклар, фан докторлари ва кандидатлари, олий маълумотли мутахассислар тийимиз изланиш олиб боришмоқда. Шунинг учун ҳам геология-разведка бўйича давлат планлари муваффақиятли адо этилмоқда. Шунинг айтиш киёоки, ўтган йили геологларимиз табиий газ конларини аниқлаш планини 105,3, нефть бўйича 109,5, олтин бўйича 130 процент қилиб бажардилар. Бўлбўрам, молибден, мис, кўрғашин, кўмир, мармар, рангли гранитларни қидириб топишда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди.

Геологларимиз эртага нишонланадиган ўз байрамларига ҳам муносиб соғиналар билан келмоқдалар. Қатор трестлар, экспедициялар, партияларнинг коллективлари, бригадалар Бутуниттифоқ ва республика геология-разведка ходимлари ўртасидаги мусобақа иштирокчиларининг олдинги сафида бормоқдалар. Айёмида арафасида П. Прокопец, С. Каримов, О. Болушев, Х. Темиров ўртоқлар каби донгдор геологларимиз номини

ҳурмат билан тилга оламиз. Улар раҳбарлигидаги бригадалар меҳнатда юксак кўрсаткичга эришмоқдалар. Кўчбулоқдаги олтин запасларини қидириб топишда фидокорона меҳнат қилаётган Илал Горбунов, Фидай Охунов бошлиқ коллектив кон-проходка бригадаларининг самарали ишини эър мамурийнинг билан қайд қиламиз.

Бутун совет кишилари қатори геологларимиз ҳам В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб соғиналар билан қутиб олиш, беш йилликнинг тўртинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун эър кўтаришни руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Шу мақсадда бошланган социалистик мусобақа кенг қўлчол ёймоқда. Трест ва экспедициялар, кон-қидирув партиялари ва бригадалар, айрим геологлар ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб ишлаймоқда. Улар эъзурт олдида берилган вазданинг тўла уйдасидан чиқиниға астойдил иштилоқдалар. Белгиланган ва бирин-кетин амалга ошириладиган ташкилий-техникавий тадбирлар худди шунга хизмат қилмоқда.

Геологларимиз янги-янги резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга эришиш, мавжуд асбоб-ускуналарни самарали ишлатиш, иш вақтининг бирор дақиқасини ҳам беҳуда ўтказмасликка астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Санатимизнинг барча тармоқлари учун янги-янги хомашё запасларини қидириб топиш суръати ва сифатини оширишга иштилоқда.

Халқимиз ҳурмат ва эҳтиром билан хазинадонлар деб атаган геологларимиз зиммаларидаги социалистик мажбуриятларни бекам қўст бажарадилар, янги-янги конлар топадилар. Бу билан мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Т. ШОЕКУВОВ,
Тошкент геология трестининг бош геологи.



ҚОРАСОН комплекс геология сейсмиқ-қидирув экспедицияси бошлиғи М. Усмонов ва Қораконтон экспедицияси бошлиғи В. Коржаев ўртоқлар тоғ жисмаларининг хусусиятини текширмоқда. А. А. Р. «Тошкентгеология» трести меҳнатсеварлари бундай текширувлар ёрдамида қўшнға ерости бойликларини аниқламоқдалар.
И. Глауберзон ва В. Сыроткин фотоси.

ЭРТАГА ГЕОЛОГ- ЛАР КУНИ



ЭКСПЕДИЦИЯ бош инженири Г. Абдурахмонов, бош геолог Г. Алферов ва бўлиш бошлиғи Ж. Рахмонов ўртоқлар навбатдаги экспедиция-қидирув маршрути ҳақида фикрлашмоқдалар. «Тошкентгеология» трестига қарашли бу комплекс қидирув экспедицияси геологлари хазинадонларни қўйишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.
М. Нуриддинов фотоси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Совет Иттифоқи экономикасини ўз хом ашё ресурслари билан тўла таъминлаган жаҳондаги ягона мамлакатдир. Мамлакатимиз кўмир, темир маъдани, марганец, табиий газ, қўрғашин, никел ва бошқа шу каби қазилма бойликларни запаси жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради.

● СССР ва йирин олтин конлари тобора кўп очилмоқда. Улар Ватан урушидан кейинги йилларда олтин запасларини қидириб топиш ҳажми уч баравар ортди.

● Геологларимиз замонавий асбоб-ускуналар билан мукаммал таъминланган. Ҳозирги вақтда ўн мингдан ортиқ эришган геология асбоблар, 6 минг кўча электростанция, 60 минг автомашина улар хизматда.

● 10 мингдан ортиқ геологик экспедициялар ва партиялар, 40 га яқин институт ва лабораториялар ҳар йили жуда катта ҳажмдаги тадқиқотларни амалга оширмоқдалар. Ҳозирги вақтда ярим миллионга яқин киши фойдали қазилма бойликларини қидириб топиш билан машғул.

ЕР ТИЛСИМИНИ ОЧАМИЗ

Геологлар табиат кучидаги яшириниб ётган жавоҳирларни юртимиз хазинасига қўшадилар. Шунинг учун ҳам уларни «хазинадонлар» деб аташ муболаға бўлмади. Трестимизда меҳнат қилаётган геологларимиз — бу йилги байрамларнинг қувонч билан қутиб оломоқдалар.

Бултур мавжуд ўнга геологик экспедиция жойларда намунали иш олиб бори. Уларнинг бир қисми нефть ва газ, бир экспедиция кон бойлигини топиш, тўрт экспедиция эса геофизик қидирув ишлари билан шуғулланилади. Махсус комплекс экспедиция эса таърифу методдан ишларини олиб бори. Геологларимиз республикамизда кўп қисм нефть ва газ бойликларини таъриф қилмоқдалар. Бу бойликларнинг кўпни Тошкент областига қарашли Қўрама ва Чотқол тоғлари бағридадир. Қисқа муддатда трестимиз меҳнатсеварлари 13 та янги нефть ва газ майдонини аниқладилар. Жумладан, Ўстюртда 3 та, Вухоро—Хивада 5 та, Сурхондарё

да 2 та ва ҳоназо нефть ва газ бойликларини топишди. Бундан ташқари 9 та янги участкада нефть ва газ истиқболли борлиғи маълум бўлди. Қўрама тизма тоғларида эса 5 та олтин участкаси аниқланган трестимиз хазинадонларини қўлга киритган катта ютуқ бўлди. Меҳнатсеварларимиз беш йилликнинг тўртинчи йилида ютуқларини янада мустахкамлаш учун курашмоқдалар. Геология-кон экспедициялар коллективлари ўртасида дохилимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақа кўч сайини қийнатилди.

Айниқса, Андижон экспедицияси ўртак бўлган ишлар қилмоқда. Экспедиция бундан минг йил муваффақ коммунистик меҳнат коллективини номини олган эди. Улар бу шарафни номини мунтазам оқлаб келмоқдалар. 1968 йил

IV кварталдан буён Ўзбекистон СССР Геология министрлигининг кўмаки қийил байроғи ўртоқ С. Исмаилов раҳбарлик қилаётган ана шу пешқадам экспедиция аъзолари қўлида.

Ўстюрт геофизика экспедицияси ҳам вазибаларини сидидидилдан адо этмоқда. Ўртон В. Буфоров бошлиқлик қилаётган бу экспедиция коммунистик меҳнат коллективини номини олтиш учун қизғин кураш олиб бораётти.

Ютуқларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин. Ленин, биз олимизда уларни вазибалар турмушини бир дақиқа ҳам ўтказмайлик. Халқ геологларимиз излаб топиш асбоб бўлган ерости бойликларни жуда кўп Уларни рўёбга чиқариш асосини бўлимоқда. Бой таърифу ортиқтарини геологларимиз ғайратчиликка таялиб, олдимизда турган улкан вазибаларини адо этиш учун курашамиз.

Ф. ГЛИНКИН,
Ўзбекистон геофизика трестини бошқарувчиси.

ОБИ-ҲАЁТ ЧАШМАЛАРИ

Гидрогеологларини шундай аташди. Улар ҳаёти-фаолиятини чуқурсиз, тоғу тошларсиз, адрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўтмининг эсланг. Ўлкаимизнинг минглаб гектар майдонлари бир қутлум сувга ташна ҳолда фойдасиз ётарди. Бу ерларда баҳор ёғини ишвалаб ўтарди-ю, ўт-ўланлар ердан бош кўтарарди. Кейин эса тез орада улар жануб қўшининг жазираси тилига бардош беролмай, жингиллаш чийиб кетарди. Шунинг учун ҳам бобо ва бобоназорларимиз Мирзачўлга, Қизил Кум, Қарши каби пойисиз чулларни «қўш уч» қалогди, одам юрса оёғи қудди»га чиқариб қўйишарди.

Эндичи, чуллар ўрнида кўз илгасма пахтазорлар, боғ-роғлар барпо қилинди, чорвачилик ривож топди. Бунда гидрогеологларнинг хизмати катта.

Пойтахтимизда гидрогеология трести ташкил этилганидан айтарлиқ кўп вақт бўлганича йўқ. Ленин пунга қарамай қисқа вақт ичида трест ҳузурида ташкил этилган экспедициялар республикамизнинг барча ерларини текшириб чиқди, марказий Қизил Кум, Қарши ҳамда Ўстюрт даштларидан сув топиб, бу ерларда янги шахарлар, эканзорлар бўйиб элди. Геологлар Мурунотдан олтин кони топишганда, гидрогеологлар дастлаб ерданга келишди. Улар ўнлаб гектар майдонда қидирув ишлари олиб боришди, сув излашди. Бу ердан сув топилач, янги шахар қурилиши бошланди.

Трестга қарашли Мирзачўл экспедицияси асосан Тошкент, Сирдарё, Самарқанд област территорияларида қидирув ишлари олиб боради. Гидрогеологлар Мирзачўлга келмасдан бурун бу ер мутлақо қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб, шўри чийиб ётарди. Каналлар қазилиб, артезиан қудуқлари қазилган, чул ўз қиёфасини ўзгартирди, янги қолхоз-совхозлар ташкил этилди.

Гидрогеологлар энг тақомиллашган техника билан қуролланишган. Улар бу йил мамлакатда биринчи бўлиб шўрқон ерларнинг медиорация ҳолатини ахиллашда вертикал дренаж усулини қўлланмоқда.

Трест гидрогеологлари ўтган йили яхши айсунлашди. Планди белгиланган 580 минг кублитр ўрнига суткасига 810 минг кублитр ерости суви бермоқда қудуқлар очилди.

Қаратал йилларини баъзирини борасида ҳам оби ҳаёт изловчилар дуруст натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ўч йилдан бери мутасил юқори кўрсаткичга эришяётган коллектив Улар Оқтбрининг 50 йиллиги номли коллектив деган шарафга эга бўлдилар. Шунингдек, улар СССР Геология министрлиги ҳамда геология-қидирув ишлари ходимлари қасаба союзи Марказий Комитетининг Қўма Қизил Байроғини ўз қўлларига қайта келтиришди.

Тошкент гидрогеологларининг режаларини ҳам диққатга сазовар. Улар бу йил янги экспедиция ташкил этишини муваффақият қилмоқда.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда инженер-техник ходимлар билан бир қаторда олдий ишчи ва мастерларнинг қўшаётган улдуши каттадир. Пармалаш мастерларидан Р. Рамазонов, М. Мирзаев, Т. Усмонов каби жоқуярлар ҳатто бу йилги қишли-қировли қуиларда ҳам қазил ишларини бир зум бўшаширмадилар, улар кунлик нормани 110-120 процента етказиб адо этишди.

Гидрогеологлар 1970 йилга 10 минг гектар майдонда ер ости сувлари қичқариб, эканзорлар барпо этиш, 30 миллион кублитр сув синадиган гигант ҳовулар қуришга бел-боғлашган.

Я. САЛИМОВ.

ИККИНЧИ МУРУНТОВ

лар очилди. Геологлар олтин билан бирга бу ерда янги диним хом ашёсини, бинокорлик материаллари ва бошқа шу каби қазилма бойликларни запаси борлигини ҳам аниқладилар. Кўчбулоқ посёласи ҳали геогрфия хазиналарда йўқ. Ўқидидаги тоғлар бағрига жойлашган кичиккина қишлоқда геологлар чодрларни пайдо бўлган эди. Эндиларда эса бу ерини қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Замонавий тилдаги ишчилар посёласи пайдо бўлди.

Гулбоғ қишлоғи районига яна бир замонавий посёла қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилади. Қўчбулоқда уй-қойлар, маданий-маиший муассасалар бирин-кетин қад кўтармоқда. Ўтган йили бу посёлага ўнлаб уйлар фойдаланишга топширилди. Юзлаб геологлар уй билан билан янги уйларда ҳовли тўйларни ўтказишди.

Разведкачи геологлар кон қидириш ишларини жадал давом эттирмоқдалар. Янги-янги қазилма бойликларни қидириш топиш, уларни Ватанимиз хизматига қўйиш учун бир ёқадан бош чиқариб сабот-матонат билан меҳнат қилмоқдалар. Қишли-қировли оғир қуиларда ҳам пармалаш ишлари бир дақиқа тўхтамади. Эртага нишонланадиган ўз байрамларини муносиб соғиналар билан қутиб олиш, кўчбулоқли геологлар қўлга киритилган ютуқларини янада мустаҳкамлаш. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб қутиб олиш, беш йилликнинг тўртинчи йилида элимага олтинган юксак мажбуриятларни тўла-тўқис бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

О Л И М А

Махфуза опани бироз қуттишга тўғри келди. Опа қандайдир иш билан лабораторияга кетган экан.

Хонани қўздан кечирамиз. Кирариварида деворда республика фойдали қазилмалар ҳиритаси осилган. Стол устида логарифмик линейка, калька қорозига туширилган ҳар хил белгилар, геология лугати, олимпиада «Разведка и охрани» журналининг ҳамда Ўзбекистон геология журналининг янги сон, жовонларда геологияга оид қўлланмалар...

Нихолт олимпиа қўлида бир даста қовоқ билан хонага кириб келди. Салом-алиқдан сўнг жасадга қўчди. Қутимлаганда берилган савол опани ўйлантириб қўйди шекилли, у деража тикилганча бир зум ўйга чўмди. Кейин қўйиқнагини олиб, ёшлик хотиранларига берилди.

— Бу қасбга мактабда ўқиб юрганмида қизиқиб қолганми. Ваҳори қаниқдада ўқитувчимиз Шохимардонга олиб чиқди. Тоғ этаклари қўчқўч майсалар билан қопланган, доларлар гўнча тусқан, бодомлар туллаган кезлар эди. Эрталаб нокушта қилиб, яна йўлга тушди. Шу пайт ёнимиздан қўлида болгача, орқасида оғир сафар халта осиб олган бир гурўх кишилар ўтиб қолди.

— Булар ким, — қизиқсиниб сўрадим ўқитувчимдан, сайёҳларга ишора қилиб.

— Геологлар, хазинадонлар, — деди муаллим.

Шу бўлди-ю геологик қасбига қизиқиб қолди...

Эрта мактабни аъло баҳоларда тамомлаган қиз инқилабий ҳужжатларини Қўқондаги нефть техникумига топширди. 1947 йилда нефть геологияси ва разведкаси бўлимининг янгиёқил диплом билан тугатган ёш мутахассис қизини «Ўзбекнефть» бошқармасига тақдир этилди. У бу ерда беш-олти ой олдий инженер бўлиб ишлаб турган, янги ходимнинг ўз қасбига бўлган экзисиз ҳурмати, лайқатини кўрган бошқарма дирекцияси унга ишонч билдириб, нефть ва газ конларини қидириб топиш ҳамда разведка қилиш бўлимига старший инженер этиб тайинлади.

Аймо Махфуза техникумда олган билиминин янада тақомиллаштириш, малакасини ошириш мақсадида Губкин помядига Москва нефть институтининг нефть геологияси ва уни разведка қилиш факультетига ўқишга кирди. У институтда ўқиб юрган чоғларидеяқ Фарога водийсидаги нефть ва газ конлари структурасини сингиллаб ўргана бошладилар.

1956 йилда олдий ўқув юртини муваффақиятли тугатган бу қиз устозларининг насаҳатига кўра аспирантурага кириб ўқишга қарор

қилади. Махфуза аспирантлик даврида геология оид талайгина мақолалар ёзди. Унинг дастлабки илмий ишлари «Разведка иер и охрани» «Ўзбекистон геологияси» журнада босилиб чиқди.

Ҳарқалай йиллаб қилинган меҳнат, излаш ва излашлар беҳуда кетмади. Махфуза Сайдалиева 1961 йилда Москвада «Андижон тит-маларидаги кайназой континенталь қатлами ёқизиларида нефть ва газ конларининг пайдо бўлишларида тектоник хусусиятлар» деган темада кандидатлик диссертациясини ёзлаб, геология ва минералогия фанлари кандидати, илмий даражани олтишга муваффақ бўлди.

М. Сайдалиева кўп вақтдан бери СССР Геология министрлигига қарашли нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси институтида старший илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда.

Олимпиа илмий-тадқиқот ишлари билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашапти. Партия ва ҳукуматимиз ўртоқ Сайдалиеванинг геология ва нефть-газ конларини топиш соҳасидаги катта хизматларини тақдирлаб «Меҳнатда шухрат қозонгани учун» медали билан мухоботлади. Тиниб-тинчимас олимпиа доимо иланишда. Ҳозир у докторлик диссертациясини ёзиб тамомлади. Яқин орада геология фани яна бир қимматли тадқиқот вазифа бо-йида.

А. НОСИРОВА.

СУРАТДА: Махфуза Сайдалиева.
Э. КАРИМОВ фотоси.





БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

БИНАФША САЛОМГА ЧИҚДИ

Баҳорнинг илк нафаси субҳи соҳибда тароватлидир. Туни билан баҳор куйларини машқ қилиб чиққан куйлар мунаввар тонига бор овозлари билан янги тароналарини бағишлар эдилар.

Отаҳон енгил кийиниб боққа чикди. У қолхоз мевазорининг борбони. Оқ янгилик гулчаларини оқ бодроқ этаётган ўрикзорлар орасида бир парча оқ булутдай яқрибди. Ота қўлидаги тоқ қайчи қирт-қирт этиб ишга тушиб кетди.

Ота баҳор нафасидан маст бўлгандай, боғнинг уён-бўёнига қараб, гоҳо бошини кўтариб, мусоффо ва муаттар бог ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Унинг ақни босган юзиди табассум жилай ваганарди.

Боғда куйлар бағми бошланди. Ошён қуришга ошқан куйлар ерга қўниб, юмшоқ кўкат пўстлоқлари ва ҳашакларини тўшмақларига олиб, қайиқлариди учиб кетардилар. Боғбон куйлар тарад, лудига зава билан қараб, «бу баҳор меҳрингис» деб қўйди.

Ота бир илга тизилган маржондек боғнинг у чекисидан бу чекисига қаторлашган олма, ўрик, гилос, олаўри, нок ва беки дархатларига эски қадридонлардек бош кўтариб, жилмайиб тортилар, уларнинг ортиқча шоҳ-шоббаларини қирқиб, тартибга келтирарди.

Қолхоз боғи катта тош йўлининг шундай ёқасида эди. Водий бўлаб кетган бу йўлниң чап томони адирлар, ўнг томони эса яхлит эрлар.

Адирлардан эшитилган моторлар овози тонг кўёши оғушида ўқларга парвоз этган куйлар овозига ҳамоқан бўлиб кетарди. Адирларда баҳорикорлик авжда. Тракторлар гўмбирлаб, галла эсимда. Эл рикчи-рузининг тарадуду бу.

Йўлниң ўнг томонида чигит экишга тайёргарлик қўрилмоқда. Кўзда ҳайдалган ерлар қишда кўп наамгарчилик бўлганда ҳам етилинмайдиган турбиди. Қолхоз раҳбарлари, меҳнаткорлар яхлит карталарини айланиб, экинни қайси

бирида барақат бошлаш кераклигини аниқламоқдалар. Чигит ортган машиналар далага йўл олмоқда. Баҳорнинг майин шабадаси деҳқонга «ақтинг кетди — нақтинг кетди» дегандай, илк нафаси билан водий бўйлаб олис-олисларга парвоз этади.

Икки едир бағридаги сойликда чўпон найининг майин овози эшитилди. Шу қишлоқлик таниш чўпон дўстининг найи бу. Кўздан буюн бу най овози янграмаган эди. Мана, бугун шу сеҳрли кўча кўй-қўйлар изидан юрди, баҳорини кўйламоқда. Майсалар бу оромбахш кўлдан бақра олгандай, кўш нурлариди товланиб, илк баҳор шабадасида тебраниб-тебраниб уйғонди.

Боғбон ота кўёш тиккага келганда тоқ қайчисини белбоққа қис-тирди. Қирқилган шоҳ-шоббаларини йиғиштириб юрганида кампирини ноп-чой кўтариб келиб қолди. Ота боғда гуллар орасида нонушта қилишни ахши кўради. Тўнкага ўтириб дастурхон ёзиш учун ёнидаги шоҳларини бир чеккага суриб қўётган эди, бир тутам бинафшага кўзи тушди.

Бинафша мити гулчаларини кўнгирок этиб, баҳорини, боғбон отани табриклавтандай тебраниб турарди. Кампир бинафша енига келиб қолди. Оёғи билан уни бо-син ўтишга сал қолди. Боғбон «ақтинг бул, кампир, оёқ остида гул» деди.

Кампир бошини эгиб ерга қаради. Дастурхонни чолга узатиб, бинафшага энгашди. Димоғига ақойиб, зўш бўй хид аққиди. Бир гулчасини узиб, қўлогига тақиб, чолга жилмайиб қаради.

Боғбон ота кампирга завақ билан боқди. Эсиға ёшлиги — ҳозир олдиди турган кампир билан шу боғда бундан қирқ йил бурун уч-рошган йигитлик — ошқик пайти тушди.

Ота бинафшадан узиб, кампирга узатди: — Ма, ол, буларни ҳам чакканга тақ. Бинафшалар саломга чиқди...

Н. ЭГМАНЗАРОВ.

ЗУМРАД ЯПРОҚЛАР

Шошиб шовуллайди зумрад япроқлар,
Шудринглар алтираб ташлакур кўчага.

Висолга ошқан маъшуқа қиздай,
Баҳор оғушига шошади боғлар.

Талпиниб-талпиниб учди шамол,
Қасида айтгандай, гузал турпоққа.

Талпиниб-талпиниб кетар қишлоққа,
Сулаймон РАҲМОНОВ.

Меҳрини етаклаб шоҳқалок ҳаёл,
Кўкда кўёш шошиб қилар тантана.

Булуғлар қувлашар чопиб басма-бас,
Аммо, меннинг қалбим уларга эмас.

Сенга талпинида, муштираб она!..
Сулаймон РАҲМОНОВ.

ҒАЗАЛИМ СЕНГА

Гулбаҳор! Азалсан, азалсан!
Бандиман сен берган туйғуга.
Сен ўзинг ам-лишл ғазалсан,
Байтларинг сониг тег мангуга.

Гулбаҳор! Ҳаётинг қисси!
Мен сени қишларда йўқлардим.
Масканинг қириғи ораси,
Кўзимга беркинги ухлардим...

Иш, мавзу — тузбасан аниқман,
Нотиқлик қилади булбуллар,
Чорлайсан боғларга бутун сан,
Кулади ораулар, кўнгиллар...

Абдулла ШЕР.

ИККИ ҚЎШИК

ЎРГИЛАН

Гул кийиб, лола тақиб,
Хуш бўйи дилга ёқиб.
Оқшомда ой юз билан
Боғларга кулиб боқиб.

Нақорат:
Келди баҳор, ўргилди,
Бўларининг ўйнамай!
Чаман-чаман гулзорлар
Гул ёр учун гул узмай?

Куй билан кўр талашиб,
Дилга қўшиқ улашиб,
Яшил водий — қирларга
Хўш бўлиб ярашиб.

Нақорат:
Нурафшон тонг чоғидан,
Йигит-қиз дудоқидан,
Ялла янграб кўр уйнар,
Эланининг гул боғидан.

Нақорат:
Гул кийиб, лола тақиб,
Хуш бўйи дилга ёқиб,
Оқшомда ой юз билан
Боғларга кулиб боқиб.

ДАЛАМ

Салом, салом, яшил далам,
Саҳоватда асл далам,
Бағри баҳор фасл далам,
Гулзор бўлиб очил далам.
Тер тўққанга дур берасан,
Нихол экса, гул берасан,
«Оқ олтин»ни мўл берасан,
Қўчоғи кенг яшил далам,
Сув келтирган бол олади,
Еноғига ол олади.

Хайдар МУҲАММАДАЛИЕВ.

МЕҲРИНГ БИЛАН

Кўёшни ғафлатда қолдир,
деб ҳар тонг Юлдуз кўчмасидан, чорлайди далам.

Омадия уйқуга берма, деб инсон,
Кўёшдан кеч қолсам, зорлайди далам.

Аста одимлайман далам қошига,
Майсалар сизкинчи айлалар салом.

Шунда эғиламан эгат бошига,
Шулар ризиди рўзим: қову, тарвуз дои.


Шулар деҳқон ривизи, меҳринг билан боқ,
Шулар кутлауг турпоғининг чекиси бойлиги.

Шуниңг учун эланининг қалби ҳам қайноқ,
Шундадир ўзбекнинг хотамтойлиги.

Деҳқонман, тонгдан то оқшомга қадар,
Олтин турпоғимга сайқал бераман.

Бўқун пешонамдан тер тўқсам агар,
Эртага дур билан таваран.

Турсун МУҲАММАДАЛИЕВ.



ЎРИК ОПОҚ ГҲЛЛАДИ.

БАҲОРИЯ

Навбаҳор нафаси илк бўсадек,
Қизлар чехрасида майин табассус.

Оромбахш шабада эуфони тарайди
Ўйноқлаб эсиши нақадар сўлим.

Офтобга йўл бериб тоғлардаги қор
Водийлар қошида ястаниб ётар.

Дарёлар лиммо-лим, ғирмоқлар шошиб,
Х. ҲОМИДИН.

Баҳор ҳавоси-ла ўйноқлаб оқар,
Олиё қиш ойлари соғиниб билан

Кўёш жилвасини зериниб кутди,
Наврўзи оламининг гул тағтидан

Гулафша баҳорини табриклав турди,
Бу йил ҳам кўк ўлар, эл хирмонлари

Билинур баҳордан йил наврўзидан,
Мардлар жасорати маъмурчилдиклар

Музда бергаден риксу, рўзидан,
Қани эй пахтакор далага отлан.

Азмингдан мавжланиб порлаш хирмон!
Х. ҲОМИДИН.

ТОР МАДЖИ

Дўстим, саёҳатнинг ўзга гашти бор,
Гоҳ, тоғнинг бошига учиб чиқаман.
Қўлини узатар менга ҳар ғиёҳ,
Учиб — мас тошларни кўчиб чиқаман.

Мана, энг юксак жой, марра меники,
Бургут қўнган жойга чиқолдим мен ҳам.
Қарайман, гўёки олиб қайтишга,
Мени эрзалатар «омад» деган.

Тўймайман, табиат «гўзал келинд»
Тўймайман, қушларнинг хонини нағмасин.
Бир пайт, ўйнаб қолар қўлимда қалам,
Шеърга солмоқ бўлиб ҳамма-ҳаммасин.

Қоғозга тушган ҳар мисра шеъримга,
Кўй тўнги танимси, бастакор, булоқ.
Кўёш нурларидан қорин чўқиллар,
Қашф этини манзара — аниб бир бўёқ.

Ваҳима солмоқчи қаби қалбимга

Шовуллар..., пастда сой! Тип-тик сўнгсиз жар!..

Қўзимни юмаман даҳшат аралаш,
Алҳазар, алҳазар... — қўласам агар!..
Не нўйларга солмас инсонини ҳаёл,
Не хайлар кезмас, инсон бошида.

Юксакка кўтариб — қандайини она —
Уа фарзандини ташлар, йигит ёшида.
Тог оҳуси мисол, енгил, тўғтовсиз,
Тог шаҳар, ё қишлоқ нўраман дед —

Қарайман, қайда?.. тоғ, тоғ, тоғ сўнгсиз!
Қўларим ўшнар фақат тоғ билан.
Фақат тоғ, тоғларга туташган осмон.
О... менинг қалбимнинг илҳом париси,

Тўққили денгизга ўқшайсан, Чимен!
Мели ПАРМОНОВ.

ТАБИАТ ЖИЛВАСИ

Табиат келиндай безанди чўпон,
Қирларга тўшалди майсадан гилам.

Далага шодланиб йўл олди деҳқон,
Ташвиш билан келди серишло қўлам.

Она ер висолга талпинган ердай,
Кўксини баҳорга очди шайланиб.

Кўндан оу дамларга ўзи хужурдай,
Қор ҳам эриб кетди баҳор шайланиб.

Бодом шохларига сочиб капалак,
Гул-гул лашнаб кезар ўлкада хушқол.

Ранго-ранг товланиб чинар камалак,
Қалб торин чертади оқ, бундайин ҳо.

Бағмин тўлдирди куйлар сасига,
Гул фасан шодлитим бўлоди тақор.

Ўзи сайқал берди шеърини сатрига,
Тутамас илҳомини, шодлитини баҳор!

Хайрулла ЗИЕДУЛЛАЕВ.

ЧАМАНЛАРНИ КЕЗДИМ

Нақадар хуш, ҳаётбахш кўклар,
Кўз ўнгимда гуллар жилавар.

Гўё атлас кийгандек ўлаем,
Минг бия рангга нафис товланар.

Мен азалдан гуллар шайдоси,
Чаманларни кезгум ишқиди.

Лола, паргис, боғини ратъоси,
Бари менга мўътабар жуда.

Эсини гуллар элчиси сабо,
Чаманзорлар элчиси мангу.

Баҳор ошқ бўлиб доқмо,
Ҳаётини кўрки бўлсин у.

Ориф ОДИЛХОНОВ,
Паркент.

ГУЛЧИ ҚИЗ

Гул сотади гулчи қиз,
Гулларини дасталаб,
Чўдск ёнган гулларини,
Териб кўр битталаб.

Гулларини гулчи қиз,
Менга бера қолсанг-чи,
Уларнинг ҳақи учун,
Юрганини олсанг-чи.

Абдуманнон ЭРМАТОВ,
Янгиёул.



БАҲОР ЭЯЧИСИ.

А. Аббасов фототюллари.

